



## БУХОРО ВОҲАСИНИНГ КУЧЛИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ ТУРЛИ СУГОРИШ УСУЛЛАРДА СУГОРИШНИНГ ТУПРОҚ ТУЗ РЕЖИМИГА ТАЪСИРИ

Жўраев Умид Анварович  
Атамуродов Бехруз Невъмат ўғли  
Рустамова Кумушхон Баҳрон қизи.  
“ТИҶХММИ” МТУ Бухоро табиий  
Ресурсларни бошқарши институти

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра оғир қумоқ, шўрланган тупроқлар шароитида ғўзани турли суғориш усулларда суғоришнинг тупроқнинг туз режимига таъсири бўйича олиб борилган тажрибаларнинг натижалари келтирилган бўлиб, тажрибалар 3 та вариантда олиб борилиб, олинган натижалар мақолада келтирилган.

**Калит сўзлар:** шўрланган тупроқлар, эгатлаб суғориш, томчилатиб суғориш, тупроқ ичидан суғориш, ҳайдов қатлами, ҳайдов ости қатлами, хлор иони, қуруқ қолдик.

**Кириш.** Бугунги сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кам сув сарфлаб юқори ҳосилдорликка эришиш долзаб масалалардан бири ҳисобланади. Жаҳон сув ресурслари институти маълумотларига кўра, сув стрессидан азият чекаётган давлатлар рейтингида Ўзбекистон 25-ўринни эгаллаган. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурстежамкор суғориш кэнг жорий қилиш, улардан самарали фойдаланиш ва 1 м<sup>3</sup> сув сарфи ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришиш давр талаби бўлиб келмоқда.

*Ҳисоб-китобларга кўра, глобал иқлим ўзгаришии натижасида сўнгги 50-60 ийл давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. 2050 ийлгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Натижада Ўзбекистонда 2030 ийлга бориб сувга бўлган талаб 7 млрд. куб метрни, 2050 ийлга бориб эса, бу кўрсаткич икки баробарга ортиши мумкин. Аҳоли сонининг кескин ошиб бориши, сувдан фойдаланиши самарадорлиги пастлиги ҳисобига охирги 15 ийл ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти тахминан икки баробарга (3048 м<sup>3</sup>*



дан 1589 м<sup>3</sup> га) қисқарған. Натижада 2030 йилга бориб кескин ўсиб бораётган аҳолининг сифатли сувга бўлган талаби 18-20% (2,3 млрд. м<sup>3</sup> дан 2,7-3,0 млрд. м<sup>3</sup>) га ортиши кутмалоқда. Бу ҳолат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, сувни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш ва ирригация объектларини қуриши ҳамда реконструкция қилиши каби бир қатор чора тадбирларни ўз ичига олади.

**Тадқиқот материаллари ва услуби.** Юқорида келтирилган долзарб муаммолардан келиб чиқсан ҳолда 2022-2024 йиллар давомида Бухоро вилоятининг қадимдан сугориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибиغا кўра оғир қумоқ тупроқлар шароитида бажарилди. Ғўзани турли сувтежамкор усулларда сугориш бўйича тажрибалар 3 та варианта олиб борилган бўлиб, ушбу тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Ғўзани турли сувтежамкор усулларда сугориш бўйича тажриба тизими

Вариантлар	Сугориш усули	Сугориш олди тупроқ намлиги, ЧДНС га нис. %.	Хисобий қатламлар, см
1 (назорат)	анъанавий, эгатлаб	75-80-65	70-100-70
2	томчилатиб		50-70-50
3	тупроқ ичидан		50-70-70

Дала тажрибалари учта вариант ва учта қайтарилиқда Бухоро вилояти учун тавсия этилган N<sub>250</sub>; P<sub>175</sub>; K<sub>100</sub> ўғитлаш меъёрларида олиб борилди. Учта вариантда ҳам, 90x10-1 схемасида экинларни жойлаштириб, ҳар бир қайтариқ 8 та қатордан иборат бўлиб, шундан ўртадаги тўртта қаторда барча ҳисоблаш ишлари олиб борилди, ёнидаги иккита қаторлар эса, ҳимоя қаторлари сифатида кўрилди.

**Тахлил ва натижалар:** Тадқиқот йиллари давомида ғўзани сугориш бўйича олиб борилган тажрибаларимизда тупроқнинг туз режимини аниқлаш мақсадида вегетация бошида ва вегетация охирида ҳар бир вариантлар бўйича тупроқнинг 0-40, 40-70, 0-70 см ва 1 метрли қатламидан намуналар олиниб, лаборатория шароитида кимёвий тахлиллар олиб борилди 2022 йил вегетация бошида тупроқнинг 0-40 см. қатламида Cl иони 0,010 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,049 %



ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,310 % ни, тупроқнинг 40-70 см. қатламида Cl иони 0,011 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,049 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,317 % ни, тупроқнинг 0-70 см. қатламида Cl иони 0,010 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,049 % ни ҳамда қуруқ қолдиқ миқдори 0,313 % ни ташкил қилди. Тупроқнинг 0-100 см қатламида Cl иони 0,012 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,051 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,321 % га тенг бўлди. Вегетация охирида 1-вариантда тупроқнинг 0-40 см. қатламида Cl иони 0,072 % га, SO<sub>4</sub> иони 0,195 % га ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,853 % га тенг бўлиб, тупроқнинг 40-70 см. қатламида Cl иони 0,069 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,182 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,844 % ни ташкил этди. Тупроқнинг 0-70 см қатламида Cl иони 0,071 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,189 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,849 % ни ташкил қилган бўлса, 1 метрли қатламда Cl иони 0,068 % га, SO<sub>4</sub> иони 0,182 % га ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,837 % га тенг бўлди.

Шунингдек, 2-вариантда тупроқнинг 0-40 см. қатламида Cl иони 0,086 % га, SO<sub>4</sub> иони 0,205 % га ва қуруқ қолдиқ миқдори 1,029 % га тенг бўлиб, тупроқнинг 40-70 см. қатламида Cl иони 0,083 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,194 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 1,025 % ни ташкил этди. Тупроқнинг 0-70 см қатламида Cl иони 0,084 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,199 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 1,027 % ни ташкил қилган бўлса, 1 метрли қатламда Cl иони 0,082 % га, SO<sub>4</sub> иони 0,202 % га ва қуруқ қолдиқ миқдори 1,018 % га тенг бўлган бўлса, 3-вариантда тупроқнинг 0-40 см. қатламида Cl иони 0,064 % га, SO<sub>4</sub> иони 0,181 % га ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,724 % га тенг бўлиб, тупроқнинг 40-70 см. қатламида Cl иони 0,062 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,173 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,709 % ни ташкил этди. Тупроқнинг 0-70 см қатламида Cl иони 0,063 % ни, SO<sub>4</sub> иони 0,177 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,717 % ни ташкил қилган бўлса, 1 метрли қатламда Cl иони 0,060 % га, SO<sub>4</sub> иони 0,175 % га ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,698 % га тенг бўлди.

**Хулоса:** Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мүнкинки, Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра оғир қумоқ, кучли шўрланган тупроқлар шароитида ғўзани турли суғориш усулларда суғоришнинг тупроқнинг туз режимига таъсири бўйича олиб борилган дала тажрибалари шуни қўрсатдики, хлор ионининг мавсумий қайта тикланиши буйича олинган маълумотларни таҳлил қиласидиган бўлсак, тузларнинг энг кўп қайта тикланиши 2-вариантда кузатилиб, 1 ва 3-вариантларга нисбаттан 30-35 % га кўп тузлар қайта тикланди.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони
3. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси. – Тошкент: Шарқ нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008. – Б. 267-272.
4. Нурматов Ш.Н., Мирзажонов Қ.М., Авлияқулов А.Э., Безбородов Г.А., Ахмедов Ж.Х., Тешаев Ш.Ж., Ниёзалиев Б.И., Холиқов Б.М. ва б.; Шамсиев А. таҳрири остида Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. – Тошкент. : ЎзПИТИ, 2007. -147 б.
5. Исашов С.А. “Ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини парваришлашда тупроқ остидан суғориш усулини қўллаш” Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Тошкент-2023 21 б.
6. Исаев С. X., Исашов С. А. Ғўзани тупроқ остидан суғориш усулининг пахта ҳосилдорлигига таъсири //журнал агро процессинг. №.–SI. 2020- 94-99 б.